

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БАЗАРОВ ОТАБЕК ХАСАНБОЕВИЧ

**ТАЛАБА-ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ОНГИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

Базаров Отабек Хасанбоевич

Талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий асослари.....3

Базаров Отабек Хасанбоевич

Социально-философские основы формирования духовно-нравственного сознания студенческой молодежи23

Bazarov Otabek Khasanboyevich

Socio-philosophical foundations of the formation of the spiritual and moral consciousness of students.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список о опубликованных работ
List of published works.....47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

БАЗАРОВ ОТАБЕК ХАСАНБОЕВИЧ

**ТАЛАБА-ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ОНГИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.PhD/Fal37 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ik-falsafa.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Қуронов Муҳаммад**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Раматов Жуманиёз Султонович**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Алиев Бекдавлат
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 501-хона.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

И.Р.Хўжамуродов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, фалсафа
фанлари доктори, профессор

Д.Файзиходжаева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, фалсафа
фанлари номзоди, доцент

Г.Т.Махмудова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, фалсафа фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда содир бўлаётган глобал ўзгаришлар маънавий-ахлоқий онг муаммосини тушунишда фақат анъанавий тасаввурлар билан чекланиб қолиш мумкин эмаслигини кўрсатмоқда. Ахлоқий қадриятлар иерархиясидаги тенглаштириш тамойили яққол кўзга ташланаётган ҳозирги вақтда шахс ва жамият фаолиятидаги мавжуд ахлоқий қоидаларнинг бузилишини ахборот соҳасидаги мафкуравий таҳдидлар, хусусан, «оммавий маданият» унсурлари эгаллаётганлиги билан изоҳланмоқда. Бундай муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф этишда маънавий-ахлоқий онгни юксалтириш масаласи беқиёс аҳамият касб этади. Шу маънода, ушбу вазият ижтимоий фалсафа фани олдида талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий онгини янада юксалтиришнинг самарали йўллари, восита ва механизмларини аниқлаш билан бирга, амалиётга маънавий-ахлоқий онг ҳақида янада чуқурроқ билимлар тақдим этиш заруратини қўймоқда.

Дунёнинг Пенсильвания (АҚШ), Стэнфорд (АҚШ), Гарвард (АҚШ), Нью-Йорк (АҚШ), Оксфорд (Англия), Кембридж (Буюк Британия) университетлари ва бошқа шу каби етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказларида ёшлар маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришнинг методологик ҳамда услубий асосларини такомиллаштириш, уни объектив баҳолашнинг парадигмал мезон ва даражаларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар «ҳаёт маъносини англаш», «яшашдан мақсад», «ҳаётга мақсадли муносабатда бўлиш», «ҳаётга мустаҳкам ишонч ва эътиқод», «Ватанни севиш», «инсонийлик», «оила масъулияти», «фуқаролик масъулияти», «касбга муҳаббат» каби ижтимоий-фалсафий концепцияларнинг таҳлили, маънавий-ахлоқий онгнинг турларини дефинициялаш, талабаларнинг маънавий-ахлоқий онгини юксалтириш муаммоларини ўз ичига олиб, халқаро миқёсда ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришнинг янгича моделларини яратиш ва амалиётга татбиқ этишга хизмат қилмоқда.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида инсон омили билан боғлиқ муаммолар, ўз кўламига мос равишда, ижтимоий фалсафа соҳасининг муҳим тадқиқот объектига айланди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир»¹. Шу боис, Президент ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш ҳамда ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича беш муҳим ташаббусни илгари сурди.

¹ Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1 жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – 88 б.

2016 йил 14 сентябрь куни имзоланган Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида» Фармони, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Фармони, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида» Қарори, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 сентябрдаги 736-сон «Таълим тизимида маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги таълим-тарбия масалаларига оид кўрсатмалар, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ижтимоий-маънавий соҳага оид маъруза ва нутқлари (асарлари)² ҳамда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг мавзуга оид асарлари³ тадқиқотимизга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Жамиятда маънавий-ахлоқий онгни шакллантириш буюк мутафаккир аждодларимизнинг асарлари, тарихий манбалар муҳим ўрин тутди. Бу борада «Авесто» асари, Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон

² Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2019.; Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2019.; Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, хаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2019.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 174 б.

Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Абулқосим Замаҳшарий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур каби мутафаккирларимизнинг маънавий-ахлоқий таълимотлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади⁴. Мутафаккирлар асарларида инсон ва унинг маънавий олами жамият ҳаётининг устувор амаллари сифатида қаралади. Жумладан, Имом Бухорий «Боланинг табиати исломий бўлади, уни қандай ғоялар билан тўлдириши ота-она ва устозга боғлиқ»⁵, дейди. Абу Наср Форобий инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан алоқада бўлиши, уларнинг кўмаклашуви ёки муносабатларига муҳтож бўлади, дейди. У мазкур жараёнда инсоний фазилатларнинг камол топишини таъкидлаб, қуйидаги фикрларни илгари суради: «Инсон фазилатлар билан камолотга етади ва камолотга етган одам бахтли ҳисобланади»⁶. Абу Райҳон Беруний инсон тарбиясига салбий таъсир қилувчи иллатлар ҳақида фикр юритади⁷. Унга ҳамоҳанг тарзда Абу Али Ибн Сино бундай иллатларни бар-тараф этишда тарбия омилига таяниш зарурлигини таъкидлайди⁸. Мазкур муаммоларга дахлдор қарашларни таҳлил қилган Юсуф Хос Ҳожиб «Камолотга етиш йўли иккита: билим олиш ва ибрат ўрганиш»⁹, деб инсон маънавий-ахлоқий онгининг фалсафий моҳиятини очиб беради.

Ўрта Осиё халқлари ҳаётида XVIII аср охири ва XX аср бошларида узок йиллик маънавий-руҳий таназзулдан сўнг маънавий қадриятларнинг янги тўлқини пайдо бўлди. Улар адабий, бадиий, диний кўринишда ўз даврининг ижтимоий-сиёсий воқеликларини қамраб олган. Ана шу даврга хос жараёнларни англаш миллий давлатчиликдаги ахлоқий муаммоларнинг тарихий тафсилотларидан хулоса қилиш имкониятини беради. Бунга Огаҳий, Аваз Ўтар, Комил Хоразмий, Бедил, Фузулий, Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат, Мулла Олим Маҳдум Ҳожи ва бошқаларнинг асарларидаги ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қарашлар мисол бўлади. Мазкур асарларнинг ўрганилиши Ўрта Осиё тарихида жамият ҳаётини қай даражада маънавий-ахлоқий қадриятларга асосланганлиги, ижтимоий ихтилофларнинг келиб чиқиши ҳамда юртни тобора мустамлакалик ҳолатига олиб келган сабабларини аниқлаш, ундан тўғри сабоқ ва хулосалар чиқаришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Жамиятда ёшлар маънавий-ахлоқий онгини юксалтириш йўлида учрайдиган тўсиқлар маданий маҳдудликни танқид остига олиб, кишиларни илм-маърифатга даъват этган, ғоявий дунёқарашни бойитишга хизмат қиладиган асарлар яратиб, янги давр кишисининг маънавий қиёфаси ҳақида фалсафий қарашларни илгари сурган Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Чўлпон каби маърифатпарварлик ҳаракати намояндаларининг қарашлари ҳам алоҳида аҳамиятга эгаллигини

⁴Мазкур муаллифларнинг асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

⁵Имом ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. – Т.: Мовароуннаҳр, 2005. – 16 б.

⁶Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Т.: Ёзувчи, 2001. – 38 б.

⁷Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т.: Фан, 1972. – 68 б.

⁸Абу Али Ибн Сина. Философски трактати. – М.: Наука, 1980. – С. 43.

⁹Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Т.: Фан, 1971. – 103 б.

таъкидлаш зарур. Бунга маърифатпарвар адиб Абдулла Авлонийнинг «Илм, ахлоқ ва ҳаракат – ёшлар учун зийнатдир», деган фикри ҳамда Абдурауф Фитратнинг оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришга доир мулоҳазалари мисол бўлади. Мазкур таълимотлар миллий-маънавий кадриятларимизнинг ўзига хос концептуал негизларини ташкил қилади.

Республикамиз олимлари томонидан мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотларда жамиятимизда маънавий-ахлоқий онгни юксалтириш, ёшлар тарбиясига ғоявий-мафкуравий хуружлар таъсирининг моҳиятини очиб бериш билан бир қаторда, миллий ғоя ва мафкура турли қирраларининг назарий асосларини яратишда, жамиятда маънавий-ахлоқий иммунитетни мустаҳкамлаш каби масалалар таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган. Шу нуқтаи назардан қараганда, муаллиф томонидан мазкур йўналиш бўйича тадқиқотлар моҳиятидан келиб чиқиб, қуйидаги илмий категорияларга ажратилди.

Биринчи категория: мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида жамиятимиз маънавий-ахлоқий онгининг тарихий илдизларига, миллий ўзликни англаш, мафкуравий таълимотларнинг вужудга келиши С.Отамуродов, Н.Жўраев, И.Эргашев, Ў.Абилов, С.Мамашокиров, М.Имомназаров, А.Эркаев, М.Қурононов, А.Бегматов, А.Очилдиев, Д.Саъдуллаев, Б.Тўйчиев, М.Қирғизбоев, И.Хўжамуродов каби олимларнинг илмий ишлари тадқиқ этилди.

Иккинчи категория: жамиятда маънавий-ахлоқий онгни юксалтиришда таълим-тарбия тизими, маҳалла ва оила институтларининг ўрни, маънавий-маърифий ҳамда ахлоқий-эстетик асосларига доир илмий тадқиқотлар Т.Алимардонов, А.Мухтаров, У.Идилов, А.Қодиров, М.Жакбаров, В.Қўчқоров, А.Ўтамуродов, Ш.Тўраев, М.Абдуллаева, М.Маҳмудов, Ф.Равшанов, О.Сафаров, Р.Умурзакова, М.Халматова, С.Шермухамедов, М.Қаҳҳарова, Т.Эгамбердиевларнинг илмий изланишларида кенг ўрин эгаллаган.

Учинчи категория: мамлакатимизда мафкуравий жараёнлар, ғоявий таҳдидлар, халқаро тўқнашув ва зиддиятлар, ёшлар тарбиясида маънавий-ахлоқий кадриятларнинг ўрни муаммоларининг таҳлилига бағишланган бир қатор ижтимоий-фалсафий тадқиқотлар яратилди. Уларнинг орасида диний экстремизм, терроризмнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти, барқарор тараққиётга салбий таъсири билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган. Т.Жўраев, Ш.Пахрутдинов, О.Абдуллажанов, С.Камилова, О.Раҳматов, Ж.Нажмиддинов, М.Бекмуродов, А.Мўминов, Р.Самаров, О.Мусаев, У.Саидов, И.Саифназаров, Н.Сафарова каби олимларнинг илмий тадқиқотлари мазкур ёндашувларнинг назарий асосларини шакллантиришга хизмат қилган¹⁰.

¹⁰Мазкур муаллифларнинг асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

Шунингдек, қатор тадқиқотчилар мақола ва тезисларида ғоявий хавф-хатарларга қарши курашнинг маънавий-ахлоқий асослари тадқиқ этилганлигини таъкидлаш жоиз¹¹.

Тўртинчи категория: мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш, стратегик ривожлантириш омиллари кенгайтириш, жамиятда модернизация, инновация ғояларини татбиқ этиш орқали халқаро интеграцион жараёнларга киришиш мақсадига қаратилган ислохотлар моҳиятини миллий кадриятлар негизда такомиллаштириш, фуқароларда миллий ўзликни англаш, кадриятларга содиқлик каби фазилатларни жамият маънавий ҳаётига сингдириш, айти пайтда, мамлакатимиз ёшлари маънавий-ахлоқий онгини юксалтиришга қаратилган долзарб ижтимоий муносабатларни мужассамлаштирган илмий тадқиқотлар вужудга келмоқда. Жумладан, Ҳ.Аҳмедов, Ф.Жўрақулов, М.Мухаммадсиддиқов, М.Мусаев, Ш.Мавлонов, Ў.Шакарров, И.Суванов, К.Камолова каби ёш олимларнинг илмий изланишлари мазкур ёндашувларнинг назарий асосларини шакллантиришга хизмат қилган.

Шунингдек, хорижлик олимлардан З.Бжезинский, Э.Гидденс, М.Сасаки, С.Хантенгтон, О.Шпенглер, Э. Фромм, Ф.Хайек, М.Хоркхаймер, А.Тойнби, Дж.Белл, Ю.Хабермас, П.Фейерабанд, Ф.Фукуяма, П.Ж.Бьюкенен асарларида глобаллашув жараёнларининг мафкуравий зиддиятлари, глобаллашувнинг маънавий-ахлоқий динамикаси, қарама-қарши тенденциялари, жамият ва инсоннинг маънавий қиёфаси каби концептуал назарий таълимотлар вужудга келди. Уларда ғоявий тарбия жараёнида шахснинг табиий-биологик, психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олиш пировард мақсадга эришишнинг зарурий шarti эканлиги таъкидланади. Бу борада Фарбда бир неча мумтоз психология оқимлари мавжуд. Жумладан, З.Фрейд таълимотига кўра, ёшларнинг психофизиологик шаклланишида оилавий тарбия катта роль ўйнайди. Т.Парсонс фикрича, ёшларнинг хатти-ҳаракатлари, феъл-атворлари вақтинчалик функционал босқич бўлиб, бу даврда улар мавжуд ахлоқий меъёрларни ўзлаштирадilar. К.Маннгейм эса асосий эътиборни ёш авлодда ижтимоий тажрибанинг шаклланиши ва уларнинг катта авлоддан фарқини тадқиқ этишга қаратади.

Булардан ташқари, глобаллашув жараёни, мафкуравий глобаллашув шароитида маънавий-ахлоқий онгни юксалтиришда ахборот омилининг ўрни каби масалалар талқинига бағишланган А.С.Майданов, В.Иноземцев, В.Т.Ганжин, А.Г.Спиркин, А.Н.Чумаков, Р.Ф.Авдеева, Т.А.Алексеев, Ю.А.Нисневич, В.Слипченко, В.В.Согрин, И.А.Крилова, В.Крисько, Ю.Кузнецов, Е.П.Кожушко, В.Никольский каби замонавий хорижлик мутахассисларнинг илмий изланишлари ҳам алоҳида эътиборга молик¹².

¹¹ Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2008.; Залолатга кетманг! Ҳизбут-тахрир фитнасидан огоҳ бўлинг. – Т.: Мовароуннахр, 2003.; Маънавий-ахлоқий кадриятлар ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни. – Т.: Маънавият, 2004.; Ўзбекистон: динлараро ҳамжихатлик – тинчлик гарови. – Т.: ЖИДУ, 2005.

¹²Мазкур муаллифларнинг асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

Уларнинг илмий ишларида давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлашнинг маънавий-ахлоқий илдизлари ўрганилганини таъкидлаш зарур.

Мазкур тадқиқий таҳлил натижаларидан диссертациянинг фарқ қиладиган жиҳати шундан иборатки, унда ҳозирги даврда айнан талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий асослари кўриб чиқилган ҳамда таҳлил қилинган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимининг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий онгини шакллантириш жараёнини ижтимоий-фалсафий ва илмий-назарий жиҳатдан асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«маънавий-ахлоқий онг» тушунчасининг таърифи, чегаралари, тарихий ва замонавий хусусиятлари, таснифларини тузиш асосида унинг категориал асосларини шакллантириш, бу борадаги назарий-услубий муаммолар кўламини аниқлаш;

«маънавий-ахлоқий онг»нинг ривожланиш босқичлари, миллий ўзликни англашдаги ролини аниқлаш ҳамда таълим ва тарбия уйғунлиги тамойилининг ўрнини очиб бериш;

глобаллашувнинг талаба-ёшлар дунёқарашига таъсирини аниқлаш ҳамда маънавий-ахлоқий онгнинг ҳаётий эҳтиёжга айланиш тамойилларини ўрганиш;

янги давр шароити хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий қиёфаси ва унга қўйиладиган талабларни амалиётга жорий этиш усулларини ўрганиш орқали уларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш масалаларини очиб бериш;

Ўзбекистонда талаба-ёшларни юксак ахлоқ қоидалари асосида тарбиялаш стратегиясининг ўзига хос хусусиятлари, ушбу йўналишда махсус концепция яратиш эҳтиёжи ва миллий маънавият, миллий ғоя каби омилларнинг заруратини асослаш;

талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий онгини юксалтириш бўйича тадқиқотларнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, уларнинг самарали йўллари ва воситаларини аниқлаш, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти ёшларни юксак маънавиятли шахс сифатида шакллантириш жараёни.

Тадқиқот предмети талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик ва мантикийлик, қиёсий таҳлил, диалектик ва комплекс ёндашув, анализ ва синтез, кузатув, сўров усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришда анъанавийлик ва замонавийлик диалектикасининг ижтимоий-фалсафий асослари, умумтамаддун ва миллий маънавий барқарорликни таъминлашдаги объектив ва субъектив қонуниятлари очиб берилган;

муаллифлик ёндашуви асосида бегона ғоялар, зарарли иллатлар ва радикал қарашлар (оқимлар)га қарши курашнинг замонавий механизмлари ишлаб чиқилиб, ёшларда прагматик тафаккурни қарор топтириш ва мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш воситалари яратилган;

ёшлар маънавиятини юксалтиришнинг илмий асосланган мезонлари ҳамда креатив тафаккур, ностандарт қарор қабул қилиш, мустаҳкам фуқаролик позицияси фазилатларини шакллантириш принциплари ишлаб чиқилган;

талабаларни юксак маънавиятли шахс сифатида шакллантиришнинг ички ва ташқи динамикаси тамойиллари, миллий маънавий-ахлоқий тарбия парадигмасини юксалтириш йўллари ва усуллари (табақалаштириш, психологик таҳлил қилиш, ижтимоий муҳитга асосланиш, когнитив ёндашув) асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини шакллантириш долзарб илмий муаммо эканлиги асосланган;

талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий онгини шакллантириш жараёнининг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари, мазмуни, шакли, усул ва методлари белгилаб берилган;

талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ва уларнинг самарадорлик даражасини аниқловчи мезонлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва у ҳақдаги рецензиялар, респондентлар билан ўтказилган сўровлар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, унда илгари сурилган илмий ва фалсафий ғоялардан, умумлаштирилган илмий хулосалардан ушбу йўналишдаги назарий-илмий ва назарий-фундаментал тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мамлакатимизда талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш талабалар дунёқарашини

янада юксалтиришга хизмат қилишида намоён бўлади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг талаба-ёшлар билан ўтказиладиган давра суҳбатлари, семинар-тренинг ва учрашувлар ҳамда ёшлар ўртасидаги маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий онгини шакллантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистонда талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришда анъанавийлик ва замонавийлик диалектикасининг ижтимоий-фалсафий асослари, умумтамаддун ва миллий маънавий барқарорликни таъминлашдаги объектив ва субъектив қонуниятларидан 11 та услубий тавсияни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 30 апрелдаги 89-03-1696-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар талаба-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини ва ғоявий бардошлилигини мустаҳкамлаш, уларнинг онгига қаратилган ахборот хуружларининг олдини олиш, уларда маълумотлар, интернет ва бошқа ахборот ресурсларидан ўринли фойдаланиш маданиятини шакллантириш, талабаларнинг ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкиллаштириш, уларда миллий ўзликни англаш, миллий қадриятлар ва анъаналар ҳамда умуминсоний қадриятларга нисбатан чуқур эҳтиромда бўлиш тўғрисида, шунингдек, китобга бўлган ҳурмат ва муҳаббат, мутолаа маданиятини ривожлантиришга хизмат қилмоқда;

бегона ғоялар, зарарли иллатлар ва радикал қарашлар (оқимлар)га қарши курашнинг замонавий механизмлари ва ёшларда прагматик тафаккурни қарор топтириш ва мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш воситаларидан Республика маънавият ва маърифат маркази иш режалари ва унинг фаолиятига доир дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 19 апрелдаги 01/02-572-сон маълумотномаси). Режа ва дастурлар мамлакатимиз ёшларида прагматик тафаккурни қарор топтириш ва мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга хизмат қилган;

ёшлар маънавиятини юксалтиришнинг илмий асосланган мезонлари ҳамда креатив тафаккур, ностандарт қарор қабул қилиш, мустаҳкам фуқаролик позицияси фазилатларини шакллантириш принципларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Низом ва Дастурини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 21 октябрдаги 02-06/241-сон маълумотномаси). Бу мамлакатимизда талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини юксалтиришдаги фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

талабаларни юксак маънавиятли шахс сифатида шакллантиришнинг ички ва ташқи динамикаси тамойиллари, миллий маънавий-ахлоқий тарбия парадигмасини юксалтириш йўллари ва усуллари тўғрисидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси «Ёшларга оид давлат сиёсати

тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддаси 5-7-хатбошилари тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2019 йил 24 майдаги 05/01-10-230-сон маълумотномаси). Қонун ёшлар маънавий-ахлоқий онгини шакллантириш ва юксалтириш билан боғлиқ барча ишларни амалга оширишга ҳуқуқий ва методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (3 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»дан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Маънавий-ахлоқий онг» тушунчасини ўрганишнинг илмий-фалсафий асослари» деб номланган биринчи бобда маънавий-ахлоқий онгнинг назарий-методологик асослари (маънавий мерос, алломаларнинг асарлари, замонамиз олимларининг илмий-тадқиқот ишлари натижалари), «маънавий-ахлоқий онг» тушунчасининг мазмун-моҳияти, маънавий-ахлоқий онг эволюцияси ва структураси каби масалалар баён қилинган.

Илмий-фалсафий адабиётларда «маънавий-ахлоқий онг» тушунчасига таърифлар мавжуд, аммо мазкур тушунчани англаш борасидаги ёндашувларда яқдиллик йўқ. Унинг ўзагини «маънавият» ва «ахлоқ» тушунчалари ташкил этади. Айнан «маънавий-ахлоқий онг» тушунчаси мазмуни ижтимоий фалсафа бўйича олиб борилган тадқиқотларда етарлича очиқ берилмаган. Ушбу тушунча аксарият фалсафий луғатларда мавжуд эмас. Шу боис, биз ўз тадқиқотимизда «маънавият»га энг яқин турадиган тушунча – «онглилик» масаласига алоҳида тўхталиб ўтадиган бўлсак, улар ўртасидаги муносабатлар шу қадар яқинки, маънавиятсиз онг ёки онгсиз маънавият бўлиши мумкин эмас. Лекин бундан маънавият ва онг айнан бир

нарса, деган хулоса чиқмайди. Онг борлиқ, ижтимоий-маънавий ҳаётнинг моҳияти, сенсуал ва мантикий жиҳатларидаги умумийликни ифода этади, уни билишга ёрдам беради. Шу маънода, фалсафа маданиятнинг пойдевори сифатида намоён бўлади.

Онг борлиқни англаш сифатида, бир томондан, инсон миясида объектив воқелиқни акс этиши, ўз моҳиятига кўра, объективлиги бўлса, бошқа томондан, ўзида кишининг дунёга бўлган субъектив муносабати – воқелиқдаги муайян ҳодиса инсон томонидан баҳоланишини акс эттиради. Англаш инсоннинг борлиққа фаол муносабати ифодаси сифатида юзага чиқади.

Маънавий-ахлоқий онги етук, комил шахс атроф муҳитни, шунингдек, ўзини-ўзи ҳурмат қилиш (виждон)ни баҳолай олади. Шу маънода, маънавий-ахлоқий онг мураккаб ижтимоий-психологик ва маданий ҳодиса сифатида миллий ўзликни шахс даражасида англашга хизмат қилади.

«Маънавий-ахлоқий онг» тушунчасининг ички структурасига эътибор қаратиладиган бўлса, бу, асосан, учта сўздан ташкил топган: «маънавият», «ахлоқ» ва «онг». Демак, ундаги «маънавият» инсон онги ва руҳияти билан чамбарчас боғланган тушунча бўлиб, у ҳар бир шахс, жамият, миллат ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган даражада алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳар бир халқ ўз миллий-маънавий негизлари асосига қўйилган маънавий-ахлоқий онгга эга. Шу жиҳатдан, миллий мероснинг тикланиши маънавий-ахлоқий онгда ўзгаришларга асос бўлади. Бунда маънавий-ахлоқий онг «миллий тикланиш омили» сифатида намоён бўлади. Бу унинг ўзига хос ва мос фалсафий фикр, дунёқарашга айланаётганидан далолат. Ўзбек миллий фалсафасида, маънавий-ахлоқий онгида миллийлик билан умуминсонийлик, динийлик билан дунёвийлик, инсонийлик билан эзгулик, бунёдкорлик, индивидуаллик ва жамоавийлик уйғунлашиб кетган. Уни ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳрор Валий, Мотуридий, Имом Бухорий, Азизиддин Насафий каби алломаларнинг маънавий, жумладан, фалсафий ва диний мероси орқали англаймиз. Шу боис «...Шарқ фалсафасини теран ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва қадриятларимиз илдизларини жонлантириш, яқин ўтмишимиздан қолган мафкурадан халос бўлиш, ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аждодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий умумбашарий руҳ билан бойитиш ҳаммамизнинг долзарб вазифамиздир»¹³.

Хуллас, фуқаролик жамияти – инсонларнинг эркин муносабатларидан ташкил топувчи, ёшларнинг ижодий салоҳияти ва истеъдодининг бевосита рўёбга чиқарилишига кенг имконият яратилган онгли индивидлар жамияти. Демак, фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшлар энг катта куч

¹³Ғуломов С. Маънавий ривожланиш – миллий тикланиш омили // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Т.: 2008. – Махсус сон. – 9 б.

ҳисобланади. Бу куч эса маънавий-ахлоқий онгнинг шаклланиши билан бевосита боғлиқ. Ёшларда маънавий-ахлоқий онг, биринчидан, унинг дунёқараши билан боғлиқ бўлгани учун ҳам жамиятнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида ўзига хос ўринга эга; иккинчидан, ижтимоий ҳаёт соҳалари билан боғлиқ; учинчидан, методологик нуқтаи назардан, жамиятнинг ижтимоий-маънавий ҳаётини билиш, ўрганиш орқали жамиятга таъсир кўрсатади. Шундай экан, у ёшларнинг «Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари» эзгу ғоясининг моҳиятини англаб, реал воқеликда унга амал қилиш кўникмаси пайдо бўлишида кўринади. Бундан ташқари, ёшларнинг юксак маънавиятга эга баркамол шахслар бўлиб етишишлари ҳам маънавий-ахлоқий онгнинг шаклланганлиги даражасида намоён бўлади.

«Ўзбекистон талаба-ёшларида маънавий – ахлоқий онгни шакллантириш усуллари ва воситалари» деб номланган иккинчи бобда маънавий юксалишнинг янгилини билан боғлиқ муаммолар, муносабатлар аҳолининг, айниқса, ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини ўзгартириш билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр юритилади. Маълумки, маънавий-ахлоқий онги юксак бўлган жамиятдагина барқарорлик бўлади. Бундай жамиятда фуқаролар ўзлигини англай олган, ҳуқуқ ва бурч, мажбуриятлари ҳақида тушунган, бир-бирини ҳурмат қила оладиган бўлади. Ушбу бобда олий таълим муассасалари талаба-ёшларида маънавий-ахлоқий онгнинг намоён бўлиш шакллари ҳамда талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий қиёфаси ва унга қўйиладиган талабларни амалиётга жорий этиш усуллари каби масалалар илмий таҳлил этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ёшларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш давр талаби эканлигини таъкидлайди: «Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир. Бу борада биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз»¹⁴.

Талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришда маърифат алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, маърифат – маънавиятни том маънода шакллантирувчи восита. Маърифат миллат тарихининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан бежизга БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик»¹⁵ деб номланган махсус резолюция қабул қилиш таклифи берилмади. Бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашиш. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилганлиги

¹⁴ Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – 89 б.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. «Халқ сўзи» газетаси. 2017 йил 20 сентябрь.

билан ўта аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам мазкур таклиф асосида 2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюция қабул қилинди. Лойиҳаси Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Резолюция нафақат БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватлангани, балки Шимолий Америка ва Лотин Америкаси, Осиё, Африка ва бошқа қитъаларнинг 50 дан зиёд мамлакати билан ҳаммуаллифликда қабул қилингани эътиборга молик. Бу халқаро ҳамжамият томонидан Ўзбекистон раҳбари ташаббусининг долзарблиги ва ўз вақтида илгари сурилган таклиф эканининг юксак эътирофидан далолатдир¹⁶.

Шарқ уйғониш даври мутафаккирларининг фикрича, покиза хулқ-атвор, гўзал ахлоқ-одоб, ҳалоллик, илоҳий маърифат – комил инсонлик даражасига етиш манбаи. Комил инсонларгина миллатнинг ёрқин кўзгуси бўлиши мумкин. Фақат маънавиятли ва маърифатли инсонларгина халқ ва давлат манфаати, равнақи йўлида меҳнат қилишга қодирдирлар. Машҳур Шарқ мутафаккири Шайх Азизиддин Насафий комил инсон фазилатлари ҳақида гапириб, у юксак ахлоқли, ўзини англаган, дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган бўлиши зарурлигини айтади: «Билгилки, комил инсон деб, шариат, тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга нисбатан айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга еткан бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф»¹⁷.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов фикрича, моддий ва маънавий олам уйғунлашиб, инсоннинг қўш қанотига айлансагина, жамиятнинг тўлақонли эркин ривожланиши таъминланади. Лекин, афсуски, маънавий инқирознинг олдини оладиган, ёшларни юксак маънавиятли шахс сифатида шакллантиришни кафолатлайдиган таълим-тарбия тизими дунёда ҳали яратилмаганлигини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Ҳақиқатан ҳам, бугунги мураккаб глобаллашув шароитида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, хусусан, жаҳоннинг айрим минтақаларида тобора кучайиб, илдиз отиб бораётган маънавий инқироз хавфи халқимиз маънавиятини асраш баробарида уни юксалтириш, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ҳамда мафкуралар таъсиридан ҳимоя қилишни талаб қилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, маънавиятга қарши ҳар қандай таҳдиднинг пайдо бўлиши ўзининг бугунги куни ва эртанги истиқболини ўйлаб яшаётган ҳар бир онгли инсон, ҳар бир халқни ташвишга солади. Албатта, маънавиятга қаратилган ҳар қандай таҳдид ва мафкуравий хуружлар миллий-маънавий қадриятларимизга путур етказиб, тарихий илдизларимизга болта уриши, улардан, аввало, фарзандларимиз кўпроқ азият

¹⁶<http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidentining-tashabbusi-zha-on-amzhamiyati-tomon-13-12-2018>.

¹⁷ Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996, – 147 б.

чекиши мумкинлиги ёшлар маънавий-ахлоқий онгини янада юксалтиришни тақозо этмоқда.

Таълим тизимининг барча босқичларида ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Масалан, олий таълим босқичида талабалардаги маънавий-ахлоқий фазилатлар янада мустаҳкамланади ва ҳаётий фаолият мезонига айлантирилади. Тарбиявий ишлар тўғри йўлга қўйилган таълим муассасаларида талабалар ўз мустақил фикрига эга бўлиб, уларда фидокорлик, мамлакатдаги ислохотлар моҳиятини чуқур англаш, урф-одат ва анъаналарни асраш, эзгу ғояларга садоқат каби фазилатлар намоён бўлади.

Шунингдек, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида ахборот хуружига, «оммавий маданият» таҳдидига нисбатан ғоявий курашчанликни намоён қилиш, миллий ўзликни ҳимоя қилиш учун кураша олиш, бузғунчи ғояларга қарши курашиш, буюк келажакка ишонч ҳисси билан яшаш фазилатлари шаклланади.

Шу боисдан, ёшлар тарбиясининг муҳим бўғинларидан бири – олий таълим муассасалари, деб ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, олий таълим муассасаларида давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан кенг ва самарали фойдаланиб, таълим-тарбия ишларига катта эътибор қаратиш зарур. Олийгоҳда тарбиянинг барча соҳалари, айниқса, қуйидаги 3та йўналиш бўйича алоҳида ишлар олиб борилиши мақсадга мувофиқ:

1. Ахлоқий тарбия.
2. Ғоявий-сиёсий тарбия.
3. Ҳуқуқий тарбия.

Ушбу тарбия йўналишларининг ҳар бири ўзига хос тарбия объектлари ҳамда усулларига эга бўлиб, буларнинг вазифаларига жиддий аҳамият бериш лозим. Бу тарбия объектлари ва усуллари асли бир мақсад йўлида хизмат қилсада, бир-биридан шаклан фарқли, бир-бирини мазмунан тўлдирувчи, қизиқарли, ҳаётий усуллари билан талабаларни ўзига жалб эта олиши зарур.

Олий таълим муассасаларида олиб борилаётган ишларнинг моҳияти – унинг миллий ғояга асосланган, маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, ватанпарварлик, фуқаровий, меҳнат, маданий-маиший, экологик ва шу сингари тарбиявий йўналишлар билан эришиладиган ғоявий аъмол ва идеалларга мос ҳолда олиб борилиши мақсадга молик масала. Бу муаммоларни амалга ошириш барча педагогларнинг олдида турган юксак вазифадир.

Бугунги кунда талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда қатор вазифаларни ҳал этиш талаб этилади. Жумладан:

ҳар бир таълим олувчининг онги ва қалбида давлат мустақиллиги мамлакатнинг олий қадрияти экани ва инсон ўз Ватани билан фахрланиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда улуғ тарихий ўтмишига ҳурматда бўлиш, бозор муносабатларига асосланган янги демократик жамият куришда танлаб олган ўзига хос йўлини мустаҳкамлашга қўмаклашиш, миллий рух

билан суғорилган олий маънавий-ахлоқий кадриятларни ҳаётий эътиқодига айлантириш лозимлигини қарор топтириш;

таълим олувчиларда умуминсоний инсонпарварлик ахлоқи ва маданияти меъёрларини, замонавий кадриятлар эҳтиёжи, ўзини ҳамиша ҳушёр ва тетик тутиш, виқор сақлаш, оилавий тантаналарда ўз фаоллигини кўрсатишга уриниш, хизмат вазифасидан шахсий мақсадлар учун фойдаланиш кўринишларига мурасасиз бўлиш руҳини тарбиялаб бориш, уларнинг юксак ахлоқ малакалари билан қуроллантириш ва ҳоказо.

Умуман олганда, ахлоқий тарбия тарбиявий ишлар комплексида етакчи ўрин тутади. Олий таълим муассасаларида талаба-ёшларда ахлоқий тарбияни амалга оширишда, аввало, ахлоқий тушунча ва ишонч ҳиссини яратишдан бошлаган маъқул. Чунки ёшларда ахлоқий тушунча эътиқодини таркиб топтирмай туриб, ахлоқий одатларни, хатти-ҳаракат билан боғлиқ малака ва одатларни ҳосил қилиб бўлмайди. Бунда, асосан, ёшларга ахлоқ-одоб меъёр ва қоидалари мазмунига оид билим беришга катта аҳамият бериш лозим.

Талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини юксалтириш борасида дуч келинаётган муаммолар, камчилик ва ечимлар, шунингдек, муаммонинг ижтимоий, фалсафий асослари, тарихий-тадрижий ривож илмий-фалсафий нуқтаи назардан асосланганлиги, диалектик тамойилларга амал қилишининг шарт-шароит ва омиллари тадқиқотнинг **«Ўзбекистонда талаба-ёшлар маънавий-ахлоқий онгини юксалтириш стратегияси: муаммолар ва ечимлар»** деб номланган учинчи бобида ўз аксини топган.

Олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба-ёшларга мустақиллик ғоялари, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг қўламли маърифий ва тарбиявий ишлар олиб бориш¹⁸ бугунги кундаги муҳим жараёнлардан ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб, миллий ғоя ва мафкура, мустақиллик ғояларини аҳолининг кенг қатламлари онгига сингдириш, таълим, маданият, санъат, маънавий-маърифий ишлар тарғиботи масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, юксак маънавиятли баркамол шахсларни тарбиялашга давлат сиёсати йўналишларининг бири сифатида аҳамият бериб келинмоқда.

